



## TECHNICAL AND SOME PROCEDURAL ERRORS OF THE PRELIMINARY INVESTIGATION AT THE STAGE OF PROCEEDINGS BEFORE THE COURT

**Khushvaqt Qurbanova**

*Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences, Associate Professor  
Higher School of Judges  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Error, procedural, technical, accused, defendant, investigator, court, lawyer, investigative body, participants, evidence, prison, remand.

**Received:** 15.12.24

**Accepted:** 17.12.24

**Published:** 19.12.24

**Abstract:** This article discusses the errors made during the pre-trial stage of the criminal process, how to prevent them, how the correctness and legality of investigative actions serve as the basis for an impartial and fair resolution of the case, how compliance with procedural rules at this stage is important for ensuring that the evidence obtained during the investigation has legal force in court, and provides suggestions for eliminating technical and some procedural errors made.

## СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ БОСҚИЧИДАГИ ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИНГ ТЕХНИК ВА АЙРИМ ПРОЦЕССУАЛ ХАТОЛАРИ

**Хушвақт Қурбанова**

*юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б.  
Судьялар олий мактаби  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Хато, процессуал, техник, айбланувчи, судланувчи, терговчи, суд, адвокат, тергов органи, иштирокчилар, далиллар, қамок, эҳтиёт чораси.

**Аннотация:** Мазкур мақолада Жиноят процессининг судгача бўлган босқичида йўл қўйилаётган хатолар, хатоларни олдини олиш, тергов ҳаракатларининг тўғрилиги ва қонунийлиги ишни холис ва адолатли ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши, ушбу босқичда процессуал қоидаларга риоя қилиш тергов давомида олинган далилларнинг судда қонуний кучга эга бўлишини таъминлаш учун муҳимлиги ва йўл қўйилган техник ва айрим процессуал хатоларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.

## ТЕХНИЧЕСКИЕ И НЕКОТОРЫЕ ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ОШИБКИ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ НА СТАДИИ РАССМОТРЕНИЯ ДЕЛА В СУДЕ

*Хушвакт Курбанова*

*доктор философских наук (PhD) юридических наук, доцент*

*Высшая школа судей*

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

---

<b>Ключевые слова:</b> Ошибка, процессуальная, техническая, обвиняемый, подсудимый, следователь, суд, адвокат, следственный орган, участники, доказательства, тюрьма, заключение под стражу.	<b>Аннотация:</b> В данной статье ошибки, допущенные на досудебной стадии уголовного процесса, предупреждение ошибок, правильность и законность следственных действий служат основанием для беспристрастного и справедливого разрешения дела, важность соблюдения процессуальных правил. На этом этапе обеспечивается обеспечение того, чтобы доказательства, полученные в ходе расследования, имели юридическую силу в суде и вносятся предложения по устранению технических и процессуальных ошибок.
--	--

---

Жиноят процессининг судгача бўлган босқичидаги тергов ҳаракатларининг тўғри ва қонунийлиги жиноят процессида адолат, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашда асосий ўрин тутди. Жараённинг ушбу босқичи жуда муҳим, чунки нафақат ишнинг натижаси тергов ҳаракатлари қандай ўтказилишига, балки жиноят процессининг барча иштирокчиларининг, шу жумладан айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар, судланувчилар ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун томонидан ўзбошимчаликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Келинг, буни батафсил кўриб чиқайлик.

Жиноят процессининг энг муҳим вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Тергов ҳаракатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий равишда гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар ва жараённинг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳурмат қилинган ҳолда амалга оширилиши керак. Масалан, судгача бўлган босқичда айбланувчини ҳимояга бўлган ҳуқуқи, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни қадр-қиммати, уй-жой дахлсизлиги, жим туриш ҳуқуқи ва бошқа кафолатларга қатъий риоя қилиниши керак. Олинган далиллар судда қабул қилиниши учун тергов ҳаракатлари қонуний ва тўғри ҳужжатлаштирилган бўлиши керак. Тергов ҳаракатлари ҳуқуқбузарликлар билан ўтказилган бўлса, процессуал нормаларга риоя қилинмаса, масалан, тинтув ёки сўроқ пайтида иштирокчиларнинг ҳуқуқлари қонунда белгиланган тартибда таъминланмаса, бундай далиллар номақбул деб топилиши мумкин,

бу эса ўз навбатида суднинг айбланувчини айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги қарорига, суд ҳукмининг бекор қилинишига ёки жиноят ишининг тугатилишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, текширув самарадорлигини таъминлаш тергов ҳаракатларининг қонунийлиги ва тўғрилиги терговнинг сифатли ва самарали ўтказилишини кафолатлайди. Терговчининг қонун доирасида ҳаракат қилиши, далилларни олиш, ҳақиқатни аниқлаш ва барча қонун ҳужжатларига риоя қилиш учун тўғри усул ва тартиблардан фойдаланиши муҳимдир. Қонунни бузиш нотўғри ҳулосалар ва нотўғри қарорларга олиб келиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат, томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи тергов ҳаракатларининг қонунийлиги томонларнинг рақобат ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилини амалга оширишга ёрдам беради. Жараённинг барча иштирокчилари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тенг имкониятларга эга бўлиши керак: айбланувчи - ҳимояланиш ҳуқуқи, прокурор - айблаш ҳуқуқи, адвокат - миждознинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи. Тергов босқичидаги қоидабузарликлар ушбу функцияларни бажаришга тўсқинлик қилиши, шунингдек, томонлар тенглигининг бузилишига олиб келиши мумкин, бу эса одил судловга бўлган ишончни сусайтиради.

Тергов ҳаракатларининг қонунийлигини таъминлаш шакллари тергов ҳаракатларининг қонунийлиги ва тўғрилигини таъминлаш учун турли процессуал кафолатлар ва назорат чоралари қўлланилади.

Жумладан, прокурор томонидан назорат. Прокурор дастлабки тергов босқичида қонунга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Унда жиноят иши қўзғатилишининг қонунийлиги, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши, ушлаб туриш, қамоққа олиш, тинтув қилиш, лавозимдан четлаштириш, ҳимоя ҳуқуқининг таъминланганлиги, процессуал муддатларга риоя қилинганлиги ва бошқа шу каби процессуал қарорларнинг қонунийлиги текширилади.

Масалан: Суриштирув ёки дастлабки тергов даврида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи бузилган бўлса, вояга етмаган шахснинг қонуний вакили иштирок этиши лозим бўлган тергов ҳаракати унинг иштирокисиз амалга оширилган бўлса, шахсига оид маълумотлар нотўғри киритилган бўлса, жинойи ҳаракат нотўғри квалификация қилинган бўлса ёки бошқа процессуал ва техник хатоларга йўл қўйилган бўлса, прокурор мазкур жиноят ишини қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ва камчиликларни бартараф этиш учун суриштиручи ёки терговчига қайтаради.

Жиноят иш юритувидаги процессуал ва техник хатолар – ишни юритишга масъул бўлган процесс иштирокчиларининг қонун талабларини бузадиган ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари учун салбий оқибатларга

олиб келадиган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидир. Хатолар судгача, суд ёки апелляция тартибида иш юритишнинг турли босқичларида йўл қўйилиши мумкин, бироқ судгача бўлган босқичда хатоларни аниқлаш айниқса муҳимдир, чунки улар иш қўзғатилишининг қонунийлигига, далилларни тўплашга, шахсни айблашга оид қонунийликнинг муҳим жиҳатларига таъсир қилади.

Жиноят процессида хатолар турли мезонларга кўра таснифланиши мумкин: хатонинг предмети, хато содир этилган вақт, хатони содир этган субъект, уларнинг адолатли қарор қабул қилиниши учун аҳамияти, даражаси ва бошқалар.

Жумладан: Суриштирувчи ва терговчи судгача бўлган иш юритишнинг асосий иштирокчиси сифатида жиноятларни тергов қилишда асосий роль ўйнайди. Унинг хатолари ишнинг бориши ва тергов натижаларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Башарти Жиноят кодекси ёки Жиноят процессуал кодекс нормаларини қўлланишдаги хатолар натижасида иш тугатилган бўлса, шунингдек айбланувчининг айблилигини кўрсатувчи янги далиллар аниқланса, тугатилган айблов қайта тикланиши мумкин[1].

Жиноятларни таснифлашдаги хатолар;

Айрим ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра, дастлабки тергов давомида терговчилар турли хил тизимли камчиликларга йўл қўйиши мумкин: моддий ва процессуал қонун нормаларини бузиш, нотўғри талқин қилиш, криминалистиканинг тактик, техник тавсияларига амал қилмаслик.[2] Бу эса қонуннинг нотўғри қўлланилишига олиб келади. Масалан, жиноятни унчалик оғир бўлмаган ёки аксинча, ҳақиқийдан оғирроқ деб нотўғри таснифлаши мумкин. Бу эҳтиёт чорасини танлашга ва ишни судга ўтказиш тўғрисидаги яқуний қарорга таъсир қилиши мумки;

Далилларни йиғиш жараёнида хатолар: Далилларни тўплашдаги хато уларни олиш тартибининг бузилишига олиб келиши мумкин. Масалан: шахсни ноқонуний ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш; тинтув ва олиб қўйиш қоидаларини бузиш (масалан, тинтув ўтказиш учун суд қарорининг йўқлиги); Қонунни бузган ҳолда олинган далилларнинг номақбуллиги (масалан, тазйиқ остида олинган иқрорлар). Далилларни баҳолашда хатолик ҳам нотўғри қарорларга олиб келиши мумкин;

Айбловни тасдиқлашдаги хатолар: Прокурор жиноят ишидаги айбловларни тасдиқлайди. Агар прокурор жиноят таркибини аниқлашда хатога йўл қўйган бўлса, бу қилмишни қонунга хилоф равишда таснифлаш асосида айблов қўйишга олиб келиши мумкин. Шунингдек, прокурор жиноят ишини тугатиш ёки судга юбориш тўғрисида қарор қабул қилишда хато қилиши мумкин;

Эҳтиёт чораларини танлашда хатолар: Айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ёки бошқа мажбурлов чораларини белгилашда прокурор ҳам иштирок этиши мумкин ва унинг

бу борадаги хатоси айбланувчининг ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Масалан, прокурор энгилроқ эҳтиёт чорасини қўллашни тақазо этадиган ҳолатларга эътибор бермаслиги мумкин;

Судгача бўлган иш юритишнинг бошқа иштирокчиларининг хатолари: Терговчи ва прокурордан ташқари жиной процесснинг бошқа иштирокчилари, яъни адвокатлар, процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи шахслар, жабрланувчилар, гувоҳлар ва бошқалар томонидан ҳам хатоларга йўл қўйилиши мумкин;

Адвокат хатолари: Адвокат айбланувчини ҳимоя қилишда хатога йўл қўйиши мумкин, масалан, далилларни тақдим этмаслик, процессуал ҳуқуқбузарликларни даъво қилмаслик ёки миждознинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқларини амалга оширмаслик. Адвокат хатолари, шунингдек, самарасиз маслаҳат, нотўғри ҳуқуқий маслаҳат ёки судда нотўғри ишлашни ўз ичига олиши мумкин.

Ҳуқуқшунос Н.А.Степанова қуйидаги фикрни билдирган “Процессуал хато - терговчи, прокурор, судьянинг ишнинг ҳолатларини тўлиқ ўрганмаганликда, жинойт-процессуал қонунчилиги талабларини жиддий равишда бузишда, уни нотўғри қўллашда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нотўғри қўллашда намоён бўладиган процессуал ҳаракати (ҳаракатсизлиги), нотўғри процессуал қарорни қабул қилишга олиб келади[3]”.

Судга қадар иш юритиш босқичидаги хатоларни камайтириш учун қуйидаги чораларни кўриш тавсия этилади:

1. Суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришга масъул бўлган процесс иштирокчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш: Терговчиларни мунтазам равишда ўқитиш ва касбий билим даражасини ошириш фактларни етарлича баҳолаш ёки далилларни нотўғри талқин қилиш билан боғлиқ хатоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

2. Технологиядан фойдаланиш: Рақамли тергов воситалари ва маълумотларни таҳлил қилиш тизимлари каби замонавий технологиялардан фойдаланиш далилларни тўплаш жараёнини тезлаштиради ва инсон хатосини минималлаштиради.

3. Объективликни таъминлаш: шахсий имтиёзлар ва тарафкашликларга йўл қўймаслик, терговда мустақиллик ва ҳолислик тамойилларига қатъий риоя қилиш керак.

4. Вазиятни аниқроқ тушуниш ва қонуний ечимини топиш учун тегишли соҳа мутахассислари ёндашувидан фойдаланиш: ишнинг турли томонларини (масалан, баллистика, психология, криминалистика мутахассислари) таҳлил қилиш учун тегишли соҳалардаги мутахассисларни кенгроқ жалб қилиш муҳим.

Бунга оид норма Ўзбекистон Республикасининг Жинойт процессуал кодексининг 201-моддасида қуйидаги мазмунда белгилаб қўйилган “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки

суд тафтиш ёки текширув натижалари тўғрисидаги далолатномада ёхуд бошқа ҳужжатда белгиланган қоидалардан чекинишлар, нуқсонлар, зиддиятлар ва бошқа камчиликларни аниқлаган тақдирда, ҳужжатдаги қайд этилган хатолар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли[4].”

Худди шунингдек амалдаги Жиноят процессуал қонун нормасида Суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликлар, шу жумладан ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик хатолар аниқланган тақдирда, судья уларни бартараф этиш учун ишни прокурорга юборади[5].

5. Ҳужжатлаштириш ва тергов ҳаракатлари устидан назорат қилиш: терговчининг барча ҳаракатлари ва қарорлари қонуний, сифатли, ўз вақтида, саводли ва тушунарли равишда диққат билан қайд этилиши керак. Бу хатоларнинг олдини олишга ва терговда шаффофликни таъминлашга ёрдам беради.

6. Ҳар бир фактни синчковлик билан ўрганиш: Тўлиқ далилларни тўплаш ва барча версияларни, ҳатто бир қарашда эҳтимолдан йироқ бўлиб кўринганларини ҳам текшириш керак.

7. Суд экспертизасини қўллаш: Далилларнинг ишончлилигига ёки унинг талқинига шубҳа туғилганда, объектив тасдиқлаш учун суд экспертларига мурожаат қилиш керак.

Ушбу кўрсатмалар судга қадар иш юритиш сифатини ошириш, хатоларнинг олдини олиш, адолатли ва қонуний тергов ўтказилишини таъминлашга ва натижада қонуний, асосли ва адолатли суд ҳукми чиқишига хизмат қилади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Тошкеннт 1994 йил 363-моддаси
2. С.А.Муҳаммадиев “Дастлабки тергов жараёнини такомиллаштиришда терговдаги тизимли камчиликларга барҳам бериш зарурияти диссертция. Т.2020.й <https://proacademy.uz/uploads/tinymce/magistratura/5-%20%D0%A1-.pdf>
3. Степанова Н.А Классификация ошибок, допускаемых при производстве по уголовным делам <https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-oshibok-dopuskaemyh-pri-proizvodstve-po-ugolovnym-delam/viewer>
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Тошкеннт 1994 йил 201-моддаси
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Тошкеннт 1994 йил, 401<sup>1</sup>-модда.